

№ 1. Куйида келтирилган моддаларнинг қайси бири магнитга тортилмайди?

- а) Темир б) Пўлат в) Шиша г) Никел

№ 2. Синусоидал тўлқин узунлиги 2 м. қарама қарши фазаларда тебранадиغان энг яқин заррачалар қандай масофада жойлашади?

- а) 2 м б) 4 м в) 1 м г) 3 м

№ 3. Сув сабзи ранг билан ёритилган. Сув остида турган киши қандай рангни кўради?


- а) қизил б) кўк в) сабзи ранг г) сарик

№ 4. Ультрабинафша нурланиш хоссасини кўрсатинг:

1. рангланган буюмларни қуритиш учун қўлланилади
 2. радиоалоқа учун ишлатилади
 3. катта сингиш қобилиятига эга
 4. ўсимликларда фотосинтезга олиб келади
 5. бактерицид таъсир кўрсатади
- а) 1,2 б) 2,3,4 в) 2,3,5 г) 1, 2,3

№ 5. Металл халқа тилим-тилим магнитдан ўтади. Қайси ҳолатда унда ток ҳосил бўлмайди?

- а) халқа магнитнинг ўрталарида жойлашган пайтда
 б) халқа ақаллан магнитдан бир оз чиққан пайтда
 в) ҳар икки ҳолатда
 г) бу ҳолатларнинг ҳеч қайсисиде ток ҳосил бўлмайди



№6. Генератор ишлаб чиқарган электр энергиясини электр станциясидан истеъмолчиларга узоқ масофаларга узатишади. Электр энергиясини узатишда электр узатиш линияларида албатта йўқолишлар бўлади. Бу йўқолишлар ... билан боғлиқ.


- а) симнинг узунлиги
 б) сим кесими майдони
 в) симнинг қизиши
 г) сим материали

№ 7. Тўлқин 4 м/с тезлик билан тарқалади.

Фазалар фарқи $\frac{\pi}{4}$ бўлган икки нукта орасидаги масофа 0,05 м га тенг. Тўлқинларнинг тебраниш частотаси ва даврини аниқланг.

- а) 10 Гц; 0,1 с. б) 1 Гц; 10 с.
 в) 0,05 Гц; 4 с. г) 2 Гц; 4 с.

№ 8. АС нурнинг линзадан ўтгандан кейинги йўлини кўрсатинг.



№ 9. Маятнинг узунлиги 1 м бўлган соат 3 соат ичида 20 дақиқага орқада қолади. Соат орқада қолмаслиги учун маятник узунлигини қандай ўзгартириш лозим?

- а) 0,19 м га камайтириш
 б) 0,5 м га камайтириш
 в) 0,19 м га узайтириш
 г) 0,5 м узайтириш

№ 10. Предметдан экрангача бўлган масофа 1 м. Экранда предметнинг аниқ тасвирини олиш учун фокус масофаси 9 см бўлган линзани улар орасидаги қандай масофада жойлаштириш лозим?

- а) экрандан 0,3 м, 0,7 м
 б) экрандан 0,1 м, 0,9 м
 в) экрандан 0,8 м, 0,2 м
 г) экрандан 0,65 м, 0,35 м

Баллни баҳога айлантириш шкаласи

Ҳар бир топшириқ 1 балл билан баҳоланади. Жами топшириқларнинг миқдори – 10

баллари	баҳо
0-3	«2»
4-5	«3»
6-7	«4»
8-10	«5»